



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 12 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 12

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 12



ТОШКЕНТ-2020

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

«Ўтмишга назар» илмий журнали тахририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Зияева Доно Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Гоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор,
Самарқанд давлат тиббиёт институти

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телави давлат
университети, Грузия

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор,
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Россия ФА, Санкт-Петербург
Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон
Миллий университети, Қозоғистон

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Талапов Бахриддин Алижанович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT


1. Фарход Абдувалиевич Адиллов ОЗАРБАЙЖОННИНГ ЎЗБЕК ХАЛҚИГА БЕҒАРАЗ ЁРДАМИ (1966 ЙИЛ ТОШКЕНТ ЗИЛЗИЛАСИ МИСОЛИДА).....	4
2. Камолахон Юсуповна Абдуразакова “ДАВЛАТЛАРАРО АЛОҚАЛАР” ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ.....	10
3. Отабек Аманиллаевич Бахриев ИМОМ БУХОРИЙНИНГ ИСЛОМ ҚОНУНШУНОСЛИГИДАГИ МАВҚЕИ.....	15
4. Жонибек Бўтаев XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ - XX АСР БОШЛАРИДА САМАРҚАНД ВИЛОЯТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИ.....	22
5. Рахмон Ибрагимов ТОШКЕНТ ВОҲАСИ ҚАДИМГИ ДАВР ТАРИХИНИНГ ДАВРЛАШТИРИЛИШИ ВА ХРОНОЛОГИЯСИ МАСАЛАСИГА ДОИР.....	30
6. Чинпўлат Минасидинович Курбанов XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОНДА ВОЈХОНА ИШИ НАҚИДА.....	38
7. Юлдузхон Имомова ҚОРАБОҒ МОЖАРОСИГА ЛОББИЗМНИНГ ТАЪСИРИ.....	48
8. Музаффаржон Шарифжон ўғли Мансуров СОВЕТ ИТТИФОҚИ ЙИЛЛАРИДА “ИНТУРИСТ” ТАШКИЛОТИНИНГ ФАРҒОНА ТУРИСТИК МИНТАҚАСИДА ТУРИЗМ РИВОЖИДАГИ РОЛИ.....	53
9. Тимур Туляганович Раишев XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА ТУРКЕСТОН ҲАРБИЙ ОКРУГИ ҚЎШИНЛАРИ: МОДДИЙ ТАЪМИНОТ МАСАЛАСИГА ДОИР.....	59
10. Нодира Набиевна Сафиходжаева ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ.....	67
11. Азизбек Гўзалович Холлиев XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШИДА РОССИЯ ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРИ ТАРИХИ ТАРИХШУНОСЛИГИ.....	75
12. Фуркат Эшбоевич Тошбоев, Дилшод Рашидович Холмуродов ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ АРХЕОЛОГЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИДАН.....	82

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Рахмон Ибрагимов,
ЎзР ФА Миллий археология
маркази
rzibragimov65@mail.ru

ТОШКЕНТ ВОҲАСИ ҚАДИМГИ ДАВР ТАРИХИНИНГ ДАВРЛАШТИРИЛИШИ ВА ХРОНОЛОГИЯСИ МАСАЛАСИГА ДОИР

For citation: Rakhmon Ibragimov, ON THE ISSUES OF PERIODIZATION AND CHRONOLOGY OF THE ANCIENT HISTORY OF THE TASHKENT OASIS. Look to the past. 2020, vol. 12, issue 3, pp.30-37

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-12-5>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола Тошкент воҳасининг қадимги давр тарихининг даврлаштирилиши ва хронологияси масаласига бағишланган. Унда Тошкент воҳасининг тарихий даврлари ва хронологиясининг тарихшунослиги батафсил ёритилган. Шунингдек, ўрганилаётган масала қўшимча маълумотлар билан бойитилган. Илмий мақоланинг якунида воҳанинг қадимги давр тарихи даврлаштирилиши ва хронологияси масаласи бўйича янги таклифлар берилган.

Калит сўзлар: хронология, даврлаштириш, бронза даври, илк темир даври, ёдгорлик, манзилгоҳ, қабр-қўрғон, Тошкент воҳаси, Андронов маданияти, Бургулик маданияти, Қовунчи маданияти.

Рахмон Ибрагимов,
Национальный центр
археологии АН РУз
rzibragimov65@mail.ru

К ВОПРОСЫ ПЕРИОДИЗАЦИИ И ХРОНОЛОГИИ ДРЕВНЕЙ ИСТОРИИ ТАШКЕНТСКОГО ОАЗИСА

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена вопросу периодизации и хронологии древней истории Ташкентского оазиса. В нем подробно описаны историографии исторические периоды и хронология Ташкентского оазиса. Кроме того исследуемый вопрос был обогащен дополнительной информацией. В итоге научной работы были внесены новые предложения по периодизации и хронологии древней истории оазиса.

Ключевые слова: хронология, периодизация, бронзовый век, ранний железный век, памятник, поселение, курган, Ташкентский оазис, андроновская культура, бургуликская культура, куанчинская культура.

Rakhmon Ibragimov,
National center of archaeology
of the AS RUz
rzibragimov65@mail.ru

ON THE ISSUES OF PERIODIZATION AND CHRONOLOGY OF THE ANCIENT HISTORY OF THE TASHKENT OASIS

ABSTRACT

This article is devoted to the issue of chronology and periodization of the ancient history of the Tashkent oasis. It details the historiography of chronology and historical periods of the Tashkent oasis. Moreover, the research issue was enriched with additional information. As a result of scientific work, new proposals were made on the periodization and chronology of the ancient history of the oasis.

Index Terms: chronology, periodization, Bronze Age, Early Iron Age, monument, settlement, tomb-fortress, Tashkent oasis, Andronov culture, Burgulik culture, Kaunchi culture.

1. Долзарблиги:

Кишилик жамияти тарихи узоқ давом этган ижтимоий ҳодиса бўлиб, унинг заминида даврлар, саналар ётади. Ўтмиш тарихни ўз қарида сақлаб келаётган археологик ёдгорликлар ва асосида шакллантириладиган маълум маданиятларнинг даври ҳамда хронологиясини аниқлаш муҳим ўрин тутиб, улар ўз даври тарихи, хусусан, жамият ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнларини тўлиқ англашнинг асосий мезони саналади. Уларнинг аниқ даврини белгилаш орқали ўтмиш тарихни объектив ва ҳаққоний яратиш мумкин. Тошкент воҳасининг бронза давридан антик давригача бўлган тарихининг асосий босқичлари ва уларнинг хронологияси тадқиқотчи олимларнинг илмий ишларида таҳлил қилинган бўлсада, даврлар оралиғида вужудга келган бўшлиқ, ёки айрим эътирозли масалалар тўлалигича ўз ечимини топмаган. Воҳа тарихини даврлаштириш изчиллигининг маълум тизимини яратиш археология фанининг муҳим вазифаларидан бири саналади.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мазкур мақола тарихий методлар-тарихийлик, илмийлик, қиёсий-манتيкий таҳлил, ҳолислик тамойиллари асосида ёритилган. Тошкент воҳасида ўтган асрнинг бошларигача олиб борилган археологик тадқиқотларда қадимги давр ёдгорликлар ёки маданий қатламлари архаик даври, қулдорлик даври, исломгача давр сифатида даврлаштирилган. 1934 йилда Қовунчитепа манзилгоҳида стратиграфик қазиниш ишлари ташкил этилгандан сўнг ёдгорликнинг маълум даврини аниқлаш тизимини фанга жорий қилина бошланган [Г.В.Григорьев 1937; А.И.Тереножкин 1940, 1950; С.П.Толстов 1945;]. Бронза даврига оид ўрганилган ёдгорликларнинг [М.Э.Воронец 1949, 1951; Тереножкин А.И., 1950, Г.В.Оболдуева 1955; С.Рахимов 1970; Буряков Ю.Ф., Касымов М.Р., Растовцев О.М.1972; Х.Дуке 1979] Андронов маданияти ёки унинг босқичларига мансублиги келтирилиб, даври ва санасибелгиланмаган. XX асрнинг 60-80-йилларда археологик тадқиқот ишлари кўлами кенгайиб, янги археологик материаллар тўпланиши билан ўлка тарихининг илмий муомалада бўлган асосий даврлари ва уларнинг хронологияси ишлаб чиқилган [Л.М.Левина 1971, Х.Дуке 1982, Ю.Ф.Буряков 1983, М.И.Филанович 1983]. XIX асрнинг бошларида бронза даври археологик мажмуалар даврий жиҳатдан умумлаштирилган [Е.Е.Кузьмина 2008, 2008] ва мавжуд археологик материаллар янгича илмий ёндашув асосида мажмуаларнинг даври қайта кўриб чиқилиб, қадимийлаштириш жараёни кечади [С.Р.Баратов 2008, М.И.Филанович 2010].

3. Тадқиқот натижалари:

Тошкент воҳасида одамлар илк палеолит давридан яшаб, кишилик жамияти тараққийотининг барча босқичларида ҳаёт узлуксиз давом этган. Ўлкада ашелдан мезолитгача даврларга оид кўпгина ёдгорликлар мавжуд. Неолит ва бронза даврларига оид археологик ёдгорликлар камчилликни ташкил этади. Бронза даврига оид ўндан ортиқ жойдан дафн

иншоотлари ва тасодифий топилмалар топиб ўрганилган. Улар “Чимбойлик хазинаси”, Никифоров ери, Тошкент канали худуди, Туябўғиз сув омбори худудидан топилган моддий ашёлар ҳамда Чорвоқ сув омбори худудидаги қабрлар (қабр 1-5), Вреевский қабр-қўрғони, Искандар қишлоғи қабрлари, Тошкент шаҳри яқинидаги Серкали макони топилмалари ва бошқалардан иборат.

Бронза даврига оид ўрганилган барча моддий маданият ёдгорликлари М.Э.Воронец, А.И.Тереножкин, Г.В.Оболдуева, С.Рахимов, Х.Дуке каби тадқиқотчилар томонидан ўрганилиб, уларнинг даври ва хронология умумий таҳлил қилинган. Тадқиқотчилар маълум моддий намуналарини, хусусан, сопол буюмларини Андронов маданияти ва унинг босқичларига оид топилмалар билан қиёлаб, ушбу маданиятга мансублиги таъкидлаб ўтилган. Уларнинг аниқ даври ва санаси назардан четда қолган. Бу ёдгорликлар Е.Е.Кузьмина умумлаштирилиб, Сруб ва Андронов маданиятлари ёдгорликлари гуруҳига ажратган. [1,61-63; 2, 85-86]. Андронов маданиятига оид ёдгорликларнинг қуйи санаси масаласи илмий адабиётларда ёритилмаган. Археолог олим А.З.Бейсенов Қозоғистон худудида мил. авв. XV асрдан кейин Андронов маданиятига оид ёдгорлик қолмаганлигини таъкидлаган. Шунга кўра Тошкент воҳаси ушбу маданиятга мансуб аҳолининг кириб келиши ҳам тахминан мана шу даврда тўхтаганлиги ойдинлашади.

Тошкент воҳасининг сўнгги бронза ва илк темир даври тарихи Бургулик маданиятида ўз аксини топган. Бургулик маданиятига оид ёдгорликлар А.И.Тереножкин, Ю.Ф.Буряков, Х.Дуке, М.И.Филановичнинг илмий тадқиқотларида батафсил ўрганилиб, унинг хронологияси билан боғлиқ масалалар атрофича таҳлил қилинган. Бургулик маданиятига тегишли моддий маданият намуналари, хусусан, ярим ертўла уй қолдиқларини дастлаб Г.В.Григорьев XIX асрнинг 30-йиллари ўрталарида Қовунчитепа манзилгоҳининг қуйи қатламида аниқлаб, унинг аҳамиятига эътибор бермаган эди [3, 8-15; 4,3-11; 5, 84-86].

1940 йилда Тошкент канали қурилиши бошланади. А.И.Тереножкин Қурилиш худудидаги Бургуликсойнинг иккала томонида бир неча ертўла уй-жойлар очиб ўрганади. Улардан мато қолипда таги ясси қилиб ясалган сопол буюмлар, ёрғучоқлар, ҳайвон суяклари ва бошқа моддий ашёларни топилган. Сопол буюмларни тадқиқотчи Жанубий ва Шарқий Қозоғистон худудларида усун маданиятига оид намуналарга қиёслаб мил. авв. III-I асрлар билан саналаган [6, 23-24; 7,17-23].

Кейинчалик ушбу маданиятни тасодифий топилган бронза буюмларига эга бўлган Бургулик I, ер тўла уй-жойлар, қўлда ва мато қолипда ясалган сопол буюмлар, ёрғучоқлар, кели тоши ва сопи ҳамда ҳайвон суяклари хос бўлган Бургулик II босқичларига ажратиб, унинг санасини мил.авв. VI-IV асрларга қадимийлаштирган [8, 153].

1970 йилда Г.Дадабаев Шоштепа ёдгорлигининг қуйи қатламида ертўла уйлар ва бошқа моддий маданият намуналарини ўрганиб, уларни Бургулик маданиятининг иккинчи босқичи билан даврлаштирган [9, 38-51]. Ўтган асрнинг 70-йилларида Туябўғиз сув омбори худуди жойлашган Бургулик маданиятига оид ёдгорликларни ўрганишнинг янги босқичи бошланади. Дастлаб 1971-1972 йилларда И.В.Спришевский, Ю.Ф.Буряков ва кейинчалик 1974-1977 йилларда Х.Дуке археологик тадқиқот ишларини давом эттириб, Бургулик маданиятига оид ертўла уйлар, бронза ва мис буюмлари, ёрғучоқлар ҳамда сопол буюмларини ўрганади. Х.Дуке уларни мил. авв. VIII-VII асрлар билан даврлаштиради [10,44-56]. Кейинчалик Ю.Ф.Буряков бу маданиятига оид барча маълумотларни умумлаштириб, унинг қуйидаги хронологик устунини тақлиф қилган: Бургулик I - мил. авв. IX-VII асрлар ва Бургулик II - мил. авв. VI-IV асрлар [11, 66].

М.И.Филановичнинг охириги илмий ишларида Шоштепа ёдгорлигининг қуйи қисмидаги Бургулик маданиятига оид ертўла уйларни мил.авв. IX-VIII асрларга қадимийлаштирган [12,64-65]. XX асрнинг охири-XXI асрнинг бошларида Бақтрия ва Сўғднинг сўнгги бронза ва илк темир даври (Кучуктепа I, Афросиёб 0а, 0б, Кўктепа I) ёдгорликларининг санасини мил. авв. XIV асрга қадимийлаштирилди [А.А.Аскарлов, Ш.Б.Шайдуллаев 2007; М.Х.Исамиддинов 2000]. Ю.З.Заднепровский Чуст маданиятининг илк босқичини мил. авв. XV аср билан даврлаштириб, бир неча асрга қадимийлаштиради.

[Ю.А.Заднепровский 1997]. С.Р.Баратов Бургулик маданиятини Ўрта Осиёнинг ўтроқ деҳқончилик маданиятлари ёдгорликлари қуйи қатламининг янги хронологиясига билан киёслаб, унинг илк босқичини мил. авв. XIII-IX асрларга қадимийлаштирган[13,13].

Тошкент воҳаси худудида фаолият юритган Бургулик маданиятининг хронологияси бўйича юқорида қайд қилинган маълумотларни атрофлича ўрганиб, умумий хулоса қилинганда, бу маданиятнинг даври XIII-IV асрларга доирасида чегаралашини кўриш мумкин. Бу бевосита Ўрта Осиёнинг жанубий ўтроқ деҳқончилик ўлкаларининг янги хронологияси (Ёзтепа стратиграфияси) билан тенглашади. Мазкур ҳолатда Бургулик маданиятининг биринчи босқичи мил. авв. XIII-IX асрлар, иккинчи босқичи мил. авв. VIII-IV асрлар тўғри келиши ойдинлашади.

Масаланинг бошқа томони эса Бургулик маданияти давомийлигининг тарихий-маданий жараёнларга мос келмаслигида. Ўрта Осиёнинг ўтроқ деҳқончилик худудларида Ёз мажмуасининг дастлабки босқичида ўтроқ деҳқончилик қишлоқлари шаклланиб, унинг иккинчи босқичида қадимги шаҳар марказлари шаклланиб, охири учинчи босқичида янада ривожланиш жараёни кечган. Бургулик маданиятининг ҳар иккала босқичида ертўла уйлардан иборат қишлоқларнинг давомийлиги кузатилади. Аксинча, Бургулик маданиятининг Туябўғиз сув омбори худудидаги Манзилгоҳ I атрофини ўраб олган мудофаа девори асосида Х.Дукенинг шаклланаётган шаҳарнинг иккинчи босқичида давомийлиги кузатилмайди. Шунингдек, Бургулик маданиятига оид ёдгорликларнинг маданий қатлами ўтроқ деҳқончилик ўлкалари ёдгорликларига нисбатан олганда унчалик қалин эмас.

Ю.Ф.Буряков Бургулик маданиятининг шаклланишида Чуст-Эйлатон маданияти таъсиридан ташқари сак аломатлари ҳам асосий ўрин эгаллаганлигини таъкидлаган[14,198]. Шунингдек, тадқиқотчи Бургулик маданиятининг иккинчи босқичи сополларини Фарғона водийсининг мил. авв. V-III асрлар билан саналанган Оқтом-Кўнгай ва Сўфон қабрлари сополлари билан яқинлигини келтирган[14,198].

Бургулик маданияти билан бир даврда Сирдарёнинг ўрта оқими ерлари, яъни Жанубий Қозоғистон худудида кўчманчи сак қабилалари доирасига кирган халқлари яшаган. Сирдарёнинг ўнг соҳилида, Чордара худудида жойлашган Жомантўба қабристонинг 1 қабр-қўрғони саклар маданиятининг энг қадимгиси саналади. Удан топилган моддий ашёларни мил. авв. VII-VI асрлар билан саналанган. Тадқиқотчи Чирчиқ дарёсининг юқори оқимида жойлашган Бирчмулло қабр-қўрғони материалларини ҳам мил.авв. V-III асрлар билан саналаган[15,103].

Шоштепа манзилгоҳининг қуйи қатламидаги Бургулик маданиятига оид ертўла уйлар М.И.Филановичнинг тахминий фикрига кўра мил. авв. VI ташлаб кетилган. Унинг устида чорвадор қабилаларга тегишли қабрлар ўрин олган[16,15]. Д.Р.Нормуродов Оҳангарон воҳасидаги Қуюн ёдгорлигидан топилган жумракли қозонни Шарқий Оролбўйи худудидаги мил. авв. VIII-VII асрларга оид Жанубий Тагискен қабр қўрғонларида топилмалари билан киёслаган. (Д.Р.Нормуродов 2019) Тарновсимон жумракка эга бўлган сопол буюмлари Бургулик маданиятини белгиловчи асосий кўрсаткичлардан бир ҳисобланиб, унинг намуналари Туябўғиз сув омбори худуди маконларида кўплаб учрайди. Бундай сопол буюмлар Сирдарёнинг ўрта оқими ерларида кейинги даврда фаолият юритган Қовунчи ва Ўтрор-Қоратов маданиятларида ҳам сақланиб қолган[17,90-193].

Юқорида келтирилган илмий фикрларни таҳлил қилган ҳолда мил. авв. VII-IV асрларда, воҳадаги Бургулик маданияти аҳолиси хўжалик шаклини ўзгартириб, сак қабилалари билан бир худудда яшаган ва кейинчалик улар аралашиб кетган. Шунинг учун Бургулик маданиятининг илк босқичи Ўрта Осиёнинг жанубий худудларида тарқалган Ёз I мажмуаси даврига мослаштириб, унинг кейинги мил. авв. VIII/VII-IV асрлар даври босқичини алоҳида маданият ёки мажмуа сифатида фанга киритиш мумкин.

Тошкент воҳаси худудида мил. авв. I минг йилликнинг иккинчи чорагидан бошлаб кўчманчи чорвадор қабилаларининг тарқалганлиги тўғрисида Бурчмулло қабр-қўрғони материалларидан ташқари етарлича маълумотлар мавжуд эмас. Бурчмулло ва Жанубий Қозоғистон худудидан топиб ўрганилган кўчманчи чорвадор қабилаларга оид қабр-

кўрғонларга асосланиб, Тошкент воҳасининг мил. авв. VIII/VII-IV асрлар даври тарихини кўчманчи чорвадор халқларга тегишли алоҳида археологик мажмуа сифатида қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. М.И.Филановичнинг фикрига кўра мил. авв. VI асрда Бургулик маданиятига эгалари Евросиё даштларидан келган кўчманчи аҳолига сингиб, чорвачилик хўжалик шаклига ўтган[16,15]. Маҳаллий деҳқон жамоаси ҳам лиман усулида суғоришга асосланган хўжаликнинг рентабелсизланиши натижасида чорвачилик хўжалик шаклига ўтган. Бу бевосита антик даври форс манбаларида қайд этилган сак қабилалари бўлган. Шунга кўра Бургулик маданиятининг иккинчи босқичини бургулик-сак ёки алоҳида сак даври сифатида қабул қилиш, эҳтимолидан ҳоли эмас.

Тошкент воҳасига мил. авв. IV минг йилликнинг охиригача Сўғд худудидан келган маданий таъсир ҳақида фикр билдириш мумкин. Жанубий Қозоғистоннинг Чимкент шаҳри яқинидаги кўҳна шаҳарнинг қуйи қатламидан Сўғднинг мил. авв. V-IV асрларга оид сополларини айнан такрорлайдиган сопол буюмлари намунаси топиб ўрганилган[18,23-35]. Мазкур ҳолат Александр Македонский кўшинлари мил. авв. 329 йилнинг кузида Зарафшонинг ўрта оқимини ишғол қилган пайтда Сирдарё ортига қочган маҳаллий аҳоли вакиллари Чимкент худудига келиб жойлашиши билан боғлаш мумкин. Юнон кўшинларининг ҳужумидан қочган аҳоли Тошкент воҳаси худуди орқали ўтганлиги археологик исботига эга эмас. Агар сўғдликлар воҳа худуди орқали ўтган бўлсалар Сўғд маданиятининг олиб келиши, табиий. Мил. авв. IV асрнинг охири-III асрнинг бошида селевкийлар саркардаси Демодам Яксарт (Сирдарё) орти ўтиб, Қанқа кўҳна шаҳрининг биринчи шаҳристони худудида ҳарбий таянч қалъаси барпо қилган[11,106]. Натижада маҳаллий худудга эллин маданияти кириб келади ва Сўғд маданиятининг таъсири ҳам кучаяди.

Тошкент воҳасида антик даври Қовунчи маданияти фаолият юритган. Қовунчи маданияти Г.В.Григорьев томонидан 1934 йилда дастлаб Қовунчитепа манзилгоҳида аниқланиб, тадқиқотчи икки (Қовунчи I, II) босқичларига ажратган. Унинг биринчи, Қовунчи I босқичини ёдгорликнинг маданий қатламида темир буюмларнинг учрамаганлигини инобатга олиб, мил. авв. II минг йилликнинг охири-I минг йилликнинг бошлари билан, Қовунчи II босқичини эса сак даври билан даврлаштиради[[3, 8-15; 4,3-11].

Ўтган асрнинг 40-йилларида А.И.Тереножкин Қовунчи маданияти сопол буюмларини Сўғ сополлари намунаси билан қиёслаган ҳолда дастлабки (Қовунчи I) босқичини тахминан мил. авв. II-I асрлар, кейинги (Қовунчи II) босқичини милоднинг бошлари билан даврлаштирган[8,151]. С.П.Толстов Қовунчи маданиятининг биринчи босқичини Шарқий Оролбўйи худуди материаллари асосида милодий I-II асрларга ёшартиради[19,175-176]. Л.М. Левина Чирчиқ дарёсининг ўрта оқимида ёдгорликлари материалларини қайта таҳлил қилиб, Қовунчи маданиятининг дастлабки босқичини мил. ав. I аср билан саналайди[17,226]. Ю.Ф.Буряков ўз даврида қабул қилинган Бургулик маданиятининг якуний санасига асосланиб, Қовунчи маданиятини мил. ав. II аср қадимийлаштиради[11,70]. М.И.Филанович Шоштепа (Шош III) материалларини мил. авв. II-I асрлар билан даврлаштиради[12, 70].

XX асрнинг охиригача ўн йиллиги ва XIX асрнинг бошларида Ўрта Осиёнинг барча худудларидаги ёдгорликларни замонавий табиий-илмий усуллар, яъни қайтадан радиокарбон усулида ўтказилган текширишлар ва мавжуд материалларга янгича методологик ёндашувлар асосида уларнинг санасини қадимийлаштирилган. Қовунчи маданияти Сирдарёнинг қуйи оқими ўзанларининг сувсизланиши натижасида Жетеасар маданиятининг эгаларининг Тошкент воҳаси худудига келиб жойлашиши натижасида шаклланиган. Ўтган асрнинг охирида Л.М.Левина сувсизланиш жараёнини мил.ав. III-II асрлар содир бўлганлиги тўғрисидаги фикрни илгари суради[20,5-6]. Мазкур ҳолат М.И.Филановичнинг Тошкент воҳасида Қовунчи маданиятининг қадимийлаштириш ва шаҳар шаклланишини мил.ав. II аср билан белгилашга асос бўлиб хизмат қилган[21,3-9].

Қовунчи маданияти ва Қанғ давлатининг шаклланишида муҳим алоқадорликни эътиборга олиш керак. Хитой манбалари маълумотида асосланиб, Қанғ давлатининг шаклланишини мил. ав. II аср билан белгилаш аъъанага айланган. К.Ш.Шониёзов эса Қанғ

давлатини мил. ав. III аср бошларида маҳаллий кўчманчи аҳолининг салавкийлар сулоласига қарши кураши натижасида ушбу аср ўрталарида вужудга келган, деб ҳисоблайди [22, 118].

Маълумки, мил. авв. III асрда Шимолий Парфия ва Бактрияда вужудга келган сиёсий инкироз даврида Тошкент воҳасида ҳам вазиятнинг ўзгариши табиий эди. Айнан Шимолий Парфияга ҳудудини ишғол қилган Аршак бошчилигидаги кўчманчи чорвадор қабилалар Л.М.Левина фикрига кўра Сирдарёнинг қуйи оқими ўзанларидан борган дахлар бўлган. М.И.Филановичнинг фикрига кўра Қовунчи маданиятига асос солган аҳоли Чирикработ маданияти эгалари бўлиб, уларнинг миграцияси ҳам тахминан мазкур даврга тўғри келади.

Бундай ҳолатда Қовунчи маданияти мил.авв. III асрнинг иккинчи ярмида шаклланиб, унинг биринчи босқичи мил.авв. III асрнинг иккинчи ярми милоднинг бошлари билан, иккинчи босқичи (Қовунчи II) - милодий I-IV асрлар билан саналаш мақсадга мувофиқ бўлади. Қовунчи маданиятининг иккинчи босқичининг якуний санаси Ўрта Осиё ҳудудида ер эгаллиги муносабатларининг шалланишига бўлган даврга тўғри келади. Тошкент воҳасининг илк ўрта асрлар даврини (Қовунчи III) алоҳида археологик мажмуа сифатида қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

4.Хулосалар:

Тошкент воҳасининг қадимги даврини даврлаштиришнинг янги тизимини яратиш муҳим вазифалардан бири саналиб, у ўлканинг ўтмиш тарихини англашда муҳим ўрин эгаллайди. Шунга кўра мутахассисларнинг илмий тадқиқот ишларидан ўрин олган асосий даврлар ва уларнинг хронологиясини атрофлича ўрганиш, Ўрта Осиёнинг жанубий ўтроқ деҳқончилик ўлкалари ва шимолий чорвадор қабилаларига тегишли археологик мажмуалар қиёслаш ва илмий таҳлил қилишга ҳаракат қилинган ҳолда Тошкент воҳасининг қадимги давр тарихини даврлаштиришнинг қуйидаги тизимини таклиф қилиш мумкин: Бронза даври мил.авв. мил. авв. II минг йилликнинг бошлари-мил. авв. XIV, Бургулик маданияти мил. авв. XIII-VIII асрлар, Саклар маданияти мажмуаси-мил. авв. VII-IV асрлар, сак-сўғд мажмуаси-мил. авв. IV асрнинг охириги чораги-III асрнинг биринчи ярми, Қовунчи I-мил. авв. III асрнинг иккинчи ярми мил.авв I аср, Қовунчи II милодий I аср-IV аср биринчи ярми. Таклиф этилаётган ушбу даврлаштириш тизими дастлабки илмий таклиф мазмунига эга бўлиб, келажакда Тошкент воҳаси қадимги давр тарихининг мукамал тизимини яратилишига хизмат қилиши мумкин.

Иктибослар/Сноски/References:

1. Кузьмина Е.Е. Арии-путь на юг. М.-Спб., «Летний сад» 2008. –С.61-63.(Kuzmina E.E. Arias - the way to the south. M.-Spb., "Letniy sad" 2008. –p. 61-63)
2. Кузьмина Е.Е. Классификация и периодизация памятников Андроновской культурной общности. Актобе, 2008.(Kuzmina E.E. Classification and periodization of the monuments of the Andronov cultural community. Aktobe, 2008.)
3. Григорьев Г.В. Отчет об археологической разведке в Янгиюльском районе УзССР в 1934 г. – Ташкент, 1935. 8-15.
4. Григорьев Г.В. Краткий отчет о работах Янгиюльской археологической экспедиции 1937 г. Ташкент, изд. “ЎзФАН”, 1940. -С.3-11.(Grigoriev G.V Brief report on the work of the Yangiyul archaeological expedition in 1937, Tashkent, ed. "UzFAN", 1940. -p.3-11.)/
5. Тереножкин А.И. Каунчи-тепа. «Известия Уз ФАН СССР», №8, Ташкент, 1940, -С. 84-86.(Terenzhkin A.I. Kaunchi-Tepa. "News Uz FAN USSR". No. 8, Tashkent, 1940, -p. 84-86.)
6. Тереножкин А.И. Памятники материальной культуры на Ташкентском канале. «Известия УзФАН», 1940 №9.(Terenzhkin A.I. Monuments of material culture on the Tashkent Canal. "News UzFAN", 1940 №9.)
7. Тереножкин А.И. Древнейшие земледельцы Ташкентского оазиса. //Древняя и средневековая культура Чача. Ташкент «Фан», 1979, -С.17-23.(Terenzhkin A.I. The

- most ancient farmers of the Tashkent oasis. // Ancient and medieval culture of Chach. Tashkent "Fan", 1979, pp.17-23.)
8. Тереножкин А.И. Согд и Чач. КСИИМК, вып. XXXIII. М.-Л., 1950. -С 153 и 155, рис. 69, XVI, XVII. (Terenozhkin A.I. Sogd and Chach. ВМІНМК, vol. XXXIII. МЛ., 1950. -р. 153 and 155, Fig. 69, XVI, XVII.)
 9. Буряков Ю.Ф., Дадабаев Г. Памятники античного времени Ташкентском оазисе. ИМКУ, вып. 10, Ташкент, 1973. -С.38-51. (Buryakov Yu.F., Dadabaev Monuments of ancient times in the Tashkent oasis. НМКУ, no. 10, Tashkent, 1973. -р.38-51.)
 10. Дуке Х.И. Туябугузские поселения бургулюкской культуры. Ташкент, 1982. с. 44-56. (Duke H.I. Tuyabuguz settlements of the Burguluk culture. Tashkent, 1982, p. 44-56.)
 11. Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы города и городской культуры Ташкентского оазиса Ташкент, "Фан", 1982.-С. 66.(Genesis and stages of the city and urban culture of the Tashkent oasis, Tashkent "Science"р.66)
 12. Филанович М.И. Древняя и средневековая история Ташкента в археологических источниках. – Ташкент: Узбекистан, 2010. – С. 64-65.(Filanovich M.I Ancient and medieval history of Tashkent in archaeological sources. - Tashkent: Uzbekistan, 2010. p. 64-65)
 13. Баратов С.Р. Бургулик маданияти. //Тошкент воҳаси археологияси. Тошкент, UNESCO, 2008. –С.13. (Baratov S.R. Burgulik culture // Archeology of the Tashkent oasis. Tashkent, UNESCO, 2008. -р.13.)
 14. Буряков Ю.Ф. Ташкентский оазис. Бургулюкская культура. Древнейшая государства Кавказа и Средней Азии М. "Наука", 1985.-С.198. (Buryakov Yu.F. Tashkent oasis. Burgulyuk culture. The most ancient states of the Caucasus and Central Asia M. "Science", 1985.-р.198)
 15. Заднепровский Ю.А. Ранние кочевники Южного Казахстана и Ташкентского оазиса // Археология СССР. Степная полоса Азиатской части СССР в скифо-сарматское время. – Москва: Наука, 1992. – С. 103, табл. 37. (Zadneprovsky Yu.A. Early nomads of South Kazakhstan and the Tashkent oasis //Archeology of the USSR. The steppe zone of the Asian part of the USSR in the Scythian-Sarmatian time. – М., "Наука", 1992 . p. 103, tab. 37.)
 16. Филанович М.И. Кўҳна Шош шаҳри. //Тошкент воҳаси археологияси. Тошкент, UNESCO, 2008. –С.15.(Филанович М.И. Кўҳна Шош шаҳри. //Тошкент воҳаси археологияси. Тошкент, UNESCO, 2008. –С.15.)
 17. Левина Л.М. Керамика Нижней и Средней Сырдарьи в I тыс. н. э.– Москва, 1971. – С. 90-193.(Levina L.M. Ceramics of the Lower and Middle Syr Darya in the 1st millennium AD. М., 1971. p. 90-193.)
 18. Сулейманов Р.Х., Байтатанаев Б.А. Стратиграфия городища Шымкент: возникновение и развитие города //Древняя и средневековая урбанизация Евразии и возраст города Шымкент. Материалы научно-практической конференция. 16 октября 2008 г. Шымкент, 2008.-С.22-35.(Suleimanov R.Kh., Baytatanaev B.A. Stratigraphy of the Shymkent settlement: the emergence and development of the city // Ancient and medieval urbanization of Eurasia and the age of the city of Shymkent. Materials of the scientific and practical conference. October 16, 2008 Shymkent, 2008. p. 22-35.)
 19. Толстов С.П. К вопросу о датировке культуры Каунчи-тепе. ВДИ, 1946, № 1. – С.175-176. (Tolstov S.P. On the dating of the Kaunchi-tepe culture. НАН, 1946, № 1. – р.175-176.)
 20. Левина Л.М. Этнокультурная история Восточного Приаралья. I тысячелетие до н.э.-I тысячелетие н.э. М., "Восточная литература", 1996, С.5-6.(Levina L.M. Ethnocultural history of the Eastern Aral Sea region. 1st millennium BC - 1st millennium AD M., "Eastern Literature", 1996, p. 5-6.)
 21. Филанович М. И. Новые данные археологии о происхождении городской культуры Ташкента. //O'zbekiston tarixi. 2009 №1 С. 3-9.(Filanovich M.I New archeological data on the origin of the urban culture of Tashkent. // History of Uzbekistan. 2009 No. 1 p. 3-9.)

22. К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Т., “Шарқ”, 2001, 118 бет.(Shoniyozov K.Sh. The process of formation of the Uzbek people. Tashkent., “Sharq”, 2001, p.118.)
23. Nazarov A. Yo. (2020). Scientific societies in the Turkestan governorate-general as an instrument of colonial statehood (archival source study). Journal of Critical Reviews ISSN- 2394-5125 Vol 7, Issue 7, P. 1068-1073.
24. <http://dx.doi.org/10.31838/jcr.07.07.195> Pp 1068-1073.
25. Nazarov, A. Y. (2019). The fund of National Archive of Uzbekistan about the scientific institutions in Turkestan. ISJ Theoretical & Applied Science, 10 (78), 587-589. Soi: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-10-78-106>. Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS>.
26. Azizbek Nazarov. History Of The Emergence And Development Of Scientific Societies In The Governor-General Of Turkestan. The American Journal of Social Science and Education Innovations (ISSN – 2689-100x). Published: October 21, 2020 | Pages: 82-88. Doi: <https://doi.org/10.37547/tajssei/Volume02Issue10-13>

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№12 (2020)

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000